

ТАРИХИ ИХТИРОИ БАШАР

Бугун кўзимизга кўринмайтургон нимарсалар аввалги замонда йўк эди. Худонинг одамларга берган акл ва тадбири соясинда бирин-бирин чикорилди. Ва ҳам муни бир тоифа ихтиро килмади, балки ҳар замонда ҳар ким тарафидан чикорилди. Тарихдан беҳабар баъзи кишилар ва ёинки душманлар мусулмонларни аввалдан охиргача нодон, ваҳший кўрсатурлар. Мусулмонлар дунёга ҳеч нима ихтиро килмади... дерларки, ул галатдур. Ва ҳар бир шараф ва хунармандликни, букунги фарангларга иснод бермок ҳам тўғри эмас. Чунки дунёдан ўтганлар ўз навбатларинда ишлаб, хунар кўрсатиб ўтди. Ва ушбу кунги ихтиролар учун асбоб хозирлаб қўйди. Ва хозир фаранглар навбатидур. Бир замон келурки, навбат бошқаларга тегар, бул дунёнинг одатидур.

«Ойна»нинг мухтарам хонандаларига дунёни аввалидан букунгача бани одам тарафидан ихтиро килингон машхур нимарсаларни арз килмок учун тарих китобларидан олиб ёзмокчи бўлдук ва мундан сўнгра «Ойна»нинг ҳар ракаминда пайдар-пай «Тарихи ихторои башар» унвони ила ёзилур. Мунда ёзилатургон нимарсалар «Тарихи умумий», «Тарихи маданият», «Маданияти исломия», «Коинот», «Тарих ва жугрофия лугати», «Тарихи тамаддун» китоблари ва бошқа китоб ва рисоалардан накл килинур. Ва мунда кўрсатилган тарих уч навъ бўлуб, биринчи(си) «тарихи хилкат» аталурки «Таврот»ни баёни бўйинча дунё бино бўлганидан хазрати Исо алайхиссаломни тугулгонигача 5594 санадур.

2-«тарихи милодия» хазрати Исони таваллудларидан хижрати хазрати пайгамбаримиз Мухаммад мустафо алайхиссаломгача 626 санадур.

3-«тарихи хижрия» хазрати пайгамбаримизни Маккадан Мадинага хижрат этганларидан бу кунгача 1332 санадурки, тарихи хилкат «Х», тарихи милодия «М», тарихи хижрия «Х» ишоратлари ила кўрсатилур. Яна замоналар «азманхаи кабл ат-тарихия», «азманхаи тарихия», «Каруни аввали», «Каруни васати», «Каруни жадида», «Аср» деган исмлар ила баён бўлинадур. Аз-манхаи кабл ат-тарихия—тарихи яхши маълум бўлмаган замонларни дерлар. Азманхаи тарихия — тарихи аник бўлган замонларни дерлар. Каруни аввали — хилкати Одамдан Румо давлатининг йўк бўлушигачадур. «Кабл аз хижрат» — 146 сана Каруни авсати — Румонинг йўк бўлушидан мусулмонларнинг Истанбулни олгонигача (баъдаз хижрат — 731). Каруни жадида — фатхи Истанбулдан замонамизгачадур.

Тарих энг машхур ва мўътабар ходисалардан бошг ланур. Хар юз санани «аср—карн» дерлар. Чунончи, ал-он тарихи милодиянинг 20-ва хижриянинг 14-асридир.

Энди асл матлабни бошлаймиз.

Зироат санъати хазрат Одам алайхиссалом тарафидан чикорилгондур. Дехкончилик учун баъзи асбоблар 2500 (X)да Эрон ва Мисрда ўхшатилиб кейин машхур финикиялилар тарафидан ислох килиниб, 1280 (X)да Оврупода ҳам баъзи мошиналар чикорилибдур. Ал-он Амрикода оташ ила харакат килатургон мошиналар ила ерни хайдаб зироат киладурлар. 200 от кувватига баробар дехконлик оташ мошиналари чикоратургондурлар.

1262 (X)да тошларни тарашлаб, тахтадек килиб устига хат ёзмок усули хазрати Идрис алайхиссалом тарафидан чикарилибдур.

2150 (X)да камонча сози учун гиёхларни терисидан бир навъ махкам иплар ихтиро килинибдур.

«Лиз» деган соз, харфлар ила хандаса шаклларн машхур Хурмуз тарафидан чикорилибдур. Охирида юнонийлар ҳам ушбу асбобни яхши ислох килибдурлар.

2241 (X). Хазрати Нух алайхиссалом тарафидан кема чикарилибдурким, анинг узунлиги 300, бари 50 ва баландлиги 30 газ бўлуб, уч табакага таксим бўлган экан. Оташ кема эса 1078 (X)да италияли машхур Данис Поин тарафидан, бир навъ нажжорий мошинаси ихтиро килиниб ва кейин Жемс Вайг номлик бир тафаннун тарафидан ислох килиниб, 1114 (X)да яна Дўку деган бир фаранги тарафидан чархнинг нажжор куввати ила харакати тажриба килинибдур.

1218 (X)да амриколи Кўлтун номлик киши чарх харакатини ислох этиб, Порисда Сан нахрида тажриб килинибдур. 1222 (X)дан бошлаб парахўдлар ишламокга кириб, эмди ер

юзинда неча юз минглар ила оташ кемалар, ўн минг киши сигатургон катта кемалар ичида босмахона, театрхона ва корхона ва мактабликлари бўлуб, сув устинда кичик бир шаҳар хикматидур (бакияси бор).

«Ойна» журнали, 1914 йил, 28-сон, 531—534-бетлар.